Majburiy
bepul nusxa

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 23 ноябрь, № 225 (5140) Сешанба

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 22 ноябрь куни Ўзбекистон ва Испания ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОН – ИСПАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

**Анжуман**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Испания савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, қурилиш материаллари, машинасозлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам жадал ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов 2009 йилнинг май ойида Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифи давомида Мадридда тўхтаб ўтиб, Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Учрашув доирасида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, ҳамкорликни янада тараққий эттириш учун кенг имкониятлар яратди.

Форумда испаниялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасидаги ўзгаришлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг имконият ва имтиёзлари билан атрофлича таништирилди.

— Испания Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни изчил ривожлантириш тарафдори, — деди Испания Қироллиги Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерацияси вице-президенти Хесус Банегас. — Мамлакатингизда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар испаниялик тадбиркорларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Бу омиллар ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

(Давоми 2-бетда).

## ДЎСТЛИК ВА КАМОЛОТ БАЙРАМИ

*Юртимизда келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод таълим-тарбиясига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Барча қулайликларга эга ўқув масканлари, замонавий ахборот-ресурс марказлари, спорт мажмуалари улар ихтиёрида. Ўғил-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ёш авлод давлатимиз, Юртбошимиз, халқимиз ардоғида эканлигидан далолатдир.*

**Талабалар фестивали**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Фонд Форум", Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида қадимий шаҳарда бўлиб ўтган "Талабалар фестивали" бунинг яна бир карра тасдиғи бўлди.

Ёшлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик байрамига айланган мазкур тадбирнинг "Кўҳна ва боқий Бухоро" маданий марказида қад ростлаган амфитеатрда бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида сўз олган Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев ана шуни алоҳида таъкидладилар. Ёш санъаткорлар ижросида она-Ватан, бахтиёр ёшлик, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Концерт дастури икки минг ўринли амфитеатрга йиғилган ёшларда катта таассурот қолдирди.

Фестивал дастурида кўзда тутилган асосий тадбирлардан бири Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида ташкил этилди. Бу ерда 20 ноябрь куни "Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. 300 нафар киши, жумладан, хорижий экспертлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар аниқ фанлар йўналишида ўз маърузалари билан чиқиш қилдилар.

— Асли фарғоналикман, — дейди ўзини Соатжон Мамасидиқов деб таништирган йигит. — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-курсида таҳсил олаяпман. Шундай анжуманда қатнашаётганимдан жуда хурсандман. Бухорода ўзимни худди сўлим Фарғона кўчаларида, азим Тошкент хиёбонларида юргандек ҳис этаяпман. Ўзбекистон деган жаннатмонанд юртда яшаётганимдан ғурурланаман. Анжуманда ўз маърузам билан иштирок этдим. Мен устозларим раҳбарлигида гилотит касаллигига ижобий таъсир кўрсатадиган дори воситалари яратиш устида илмий изланишлар олиб бораяпман. Улар маҳсули лаборатория шароитида яхши натижа берди. "Талабалар фестивали" мазкур изланишларимга янги туртки беришига ишончим комил.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари проректорлари ҳамда "Камолот" фаоллари иштирокида ўтган Етакчилар форуми баҳс-мунозараларга бойлиги, талаба-ёшларнинг ўз мустақил фикрларини эмин-эркин баён этишлари билан эътиборни тортди. Форумда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолликларини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Модернизация шарофати

***СИРДАРЁ.** Янгиер шаҳридаги "Анвар нон" масъулияти чекланган жамиятида 100 миллион сўмлик кредит эвазига кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди.*

Хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда ойига 20 миллион сўмликка яқин нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Таъкидлаш керакки, тижорат банклари томонидан вилоятдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга жорий йилнинг ўтган 9 ойида 8 миллиард 343 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хонадонлар қувончи

***АНДИЖОН.** Балиқчи туманида 6 километр масофага қувурлар тортилиб, Яккатол, Гўравон, Балиқчи қишлоқлари аҳолиси газ билан таъминланди.*

110 миллион сўм сарфланган ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан 400 та хонадонга "зангори олов" кириб борди.

Шу билан бирга, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан туман марказидаги 2,6 километр масофадаги юқори босимли газ қувурлари янгисига алмаштирилди. Натижада 4 та мавзеда газ таъминоти тубдан яхшиланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Йилига 300 минг дона шифер

***НАВОИЙ** шаҳридаги "Munjal shifer" қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ.*

Умумий қиймати 7 миллион 153,3 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши билан бу ерда йилига 300 минг дона шифер ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

Таъкидлаш керакки, корхонанинг 96 кишилик жамоаси ўтган қисқа муддатда қурилиш ташкилотлари ҳамда якка тартибда уй-жой қурувчиларга 1 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси олдидан**

*Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузаси кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.*

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИ

Чунки мазкур концепцияда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида жамият ҳаётини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган институтга айлантириш бўйича кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. Бу ўзгариш ва ислоҳотларнинг моҳиятига қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш ғояси сингдирилди.

Суд орқали ҳимоялаш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилиши натижасида фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончи мустаҳкамланди. Бунда, табиийки, кассация инстанцияси ислоҳ қилингани катта аҳамият касб этди. Чунки суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби амалиётга татбиқ этилгани самараси ўлароқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

Фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлса, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиши кафолатланди. Яъни фуқароларнинг биринчи инстанция судлари қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби тугатилди. Буларнинг бари, Юртбошимиз алоҳида урғу бериб таъкидлаганларидек, биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида турли тушунмовчиликнинг олдини олишга хизмат қилди. Буни маърузада келтирилган рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунига келиб, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган.

(Давоми 2-бетда).

## ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ТАШАББУС

**туфайли ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти янада юксалмоқда**



***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида уларнинг фаолияти тобора ривожланиб бораётир. Пойтахтимиздаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Premium Safete" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси бунга яққол мисол бўла олади.***

**Интилиш**

Махсус ишчи кийимлари ва пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона, уч йилдирки, бозорда ўз ўрнини топиб келмоқда.

— Биз, асосан, буюртмалар бўйича иш юритамиз, — дейди корхона бош директори ўринбосари Шавкат Хонбобоев. — Хусусан, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компаниялари сингари иқтисодиётимизнинг йирик тармоқлари таркибидаги корхоналар доимий харидорларимиз ҳисобланади. Жорий йилнинг тўққиз ойи ичида уларга қарийб 200 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик.

Шу ўринда айтиш керакки, юртимизда ишлаб чиқариш корхоналарига яратилаётган шарт-шароитлар қўшимча имкониятлардан фойдаланиш жараёнини жадаллаштиришга ҳам хизмат қилаётир. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида, масалан, биз россиялик саноатчилар билан келишувга эришдик.

Ҳозирги кунда корхонада 80 нафарга яқин ишчи-ходим буюртмаларни ўз вақтида бажариш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## «ИСТИҚЛОЛДАН БАХТИМНИ ТОПДИМ»




***«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан.

**Замондош билан юзма-юз**

Истиқлол юзлаб, минглаб фидойи инсонларни кашф этди. Бугунги суҳбатдошимиз Мустақиллик туфайли мулкдор бўлиб, ўзини ҳам, юртини ҳам бойитиб яшаётган ажойиб замондошларимиздан бири — Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги "Муқимий Файз" фермер хўжалигининг раҳбари Бахтиёр Тоштемиров.

Бахтиёрнинг фермер хўжалиги чорвачиликка, аниқроғи, наслдор моллар етиштиришга ихтисослаштирилган. Айни пайтда қаҳрамонимизнинг алоҳида чорва комплекси, 450 бош қора-ола зотли моли, шунга яраша ишчи кучи, техникаси бор. Ўтган йили Б. Тоштемиров етакчилигидаги жамоа давлатга 328 тонна сут, 21 тонна гўшт сотди. Ён-атрофидаги аҳолига 27 бош наслли ғунажин етказиб берди. Жамоа чорвачиликдан 416 миллион сўм даромад кўриб, йилни 84,8 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Хўш, бу натижаларга қандай қилиб эришилди?

— Ҳамма гап мулк эгасини топганлигида, — дейди Бахтиёр. — Жамоа хўжалиги даврида ҳам шу комплексда зоотехник эдим. Яшириб нима қилдим, хўжаликнинг пахтадан, ғалладан топган даромадининг бир қисми чорвадан кўрилган зарарни қоплашга кетарди. Давлатга гўшт, сут сотиш режалари бажарилмай, гап эшитганимиз эшитган эди. Тумандаги катта-кичик йиғилишларда иягимиз кўксимизга тегиб ўтирардик. Сабаби, хўжалик даврида эгасизлик, талонторожлик, кўзбўямачилик авжига чиққанди. Қорамолларнинг тош босадигани раҳбарларга тегишли бўларди. Катта арава қаёқдан юрса, кичиги ҳам унинг изидан кетади, дейишганидек, катта раҳбар молларини жамоанинг емхашаги билан семиртириб тургандан кейин кичиклари қараб туради, дейсизми? Молбоқару чўпон-чўлиқчи?! Шундай қилиб, жамоанинг чорвасига қуруқ сомондан бошқа ҳеч вақо қолмасди. Ахир ҳар сигирдан кунига 2, нари борса 3 литр сут соғиб олинарди. Гап келганда айтиб қўяқолай, ўтган йили ҳар бир сигирдан 3100 литрдан сут соғиб олдик. Жорий йилда бу кўрсаткични 3500 литргача чиқарамиз, деб турибмиз. Шу кеча-кундузда ҳам ҳар бош говмишдан 18-20 литргача сут соғиб олаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

***Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтаётган XVI Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совриндорлар сафидан жой олган спортчиларимизнинг бир гуруҳи "Тошкент" халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.***

# МАҲОРАТ СИНОВИ ВА НАТИЖАЛАР




Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

— Менинг ғалабамда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинларининг ўрни катта, — дейди дзюдо бўйича Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби Ришод Собиров. — Мен дастлаб Андижон шаҳрида бўлиб ўтган Универсиада спорт ўйинларида ғолиб чиққандим. Ана шу тажриба қитъа ўйинларида қўл келди. Олтита беллашувда гиламга тушиб, барчасида зафар қучдим. Ушбу ғалабамни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн саккиз йиллик байрамига бағишлайман. Бундан буён ҳам биз, спортчиларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— Бундан тўрт йил муқаддам Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ташкил этилган Осиё ўйинларида иккинчи ўринни эгаллагандим, — дейди велоспортчимиз Владимир Тўйчиев. — Бу сафар олтин медални қўлга киритдим. Биринчи навбатда, менга мусобақаларга тайёргарлик жараёнида яқиндан ёрдам берган мураббийларимга миннатдорчилик билдираман. Эндиги мақсадим — 2012 йили Лондон (Буюк Британия)да бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиб, унда муваффақиятли иштирок этиш.

Ҳали якунига етмаган спорт турлари бўйича эса сўнгги соатларда совринли ўринлар учун кураш давом этмоқда. Чунки қўлга киритилажак ҳар бир медаль умумжамоа бўйича яхши кўрсаткичга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳал қилувчи дамлар ўзбекистонлик спортчилар учун омадли келмоқда. Яъни юртдошларимиз қўлга киритаётган медаллар жамғармаси борган сари кўпайиб бормоқда. Ўтган шанба куни таэквондочимиз Евгения Каримова (+73 кг.) бронза медали совриндори бўлган эди.

22 ноябрь куни ҳам тўрт нафар вакилимиз терма жамоамиз захирасига навбатдаги медалларни туҳфа этишди. Енгил атлетикачиларимиздан Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш, Леонид Андреев эса лангарчўпга таяниб баландликка сакраш баҳсларида кумуш медаллари соҳиби бўлишди. Иқтидорли спортчимиз Екатерина Хилько батутда сакраш, Давид Солдадзе (96 кг.) юнон-рум кураши беллашувида бронза медали билан кифояланди.

Бугун юртдошларимиз янада кўпроқ медалларга эгалик қилишлари мумкин. Енгил атлетиканинг кўпкураш мусобақасида ҳамюртимиз Юлия Тарасова, теннисчиларимиздан Денис Истомин ва Оқгул Омонмуродова ғолибликка даъвогар бўлиб турибди.

Бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев чорак финалда мўғулистонлик Шинбаяр Нармандах устидан 10:1 ҳисобида зафар қучган бўлса, 21 ёшли истеъдодли боксчимиз Хуршид Тожибоев ўзининг учинчи жангида эронлик Форутан Голорани 7:3 ҳисобида енгиб, ярим финалга чиқди. Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Ўктам Раҳмонов вьетнамлик Дин Хоанг Труонгни иккинчи раундда мутлақ устунлик билан мағлуб этди.

Каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков минг метрга, Мерей Медетов эса 200 метрга ўтказилган саралаш беллашувларида биринчи ўринни эгаллаб, тўғридан-тўғри финалда қатнашадиган бўлди. Байдаркада эшкак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги мусобақада Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Алексей Бобожоновдан таркиб топган терма жамоамиз ҳам саралаш босқичи ғолиби сифатида ҳал қилувчи мусобақага йўлланма олди.

Ҳозирча терма жамоамиз вакиллари ҳисобида 3 та олтин, 11 та кумуш ва 16 та бронза медали бор.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Жиззах томонларда

## Шифокорлар учун қулайлик

***Жиззах вилоятининг энг чекка қишлоқларида жойлашган ҚВПлар шифокорлари учун 8 та туражой биноси қуриб берилди.***

Бунинг учун 130 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Натижада қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш йўлида муносиб меҳнат қилаётган саломатлик посбонлари учун катта қулайлик яратилди.

Таъкидлаш керакки, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида манзилли дастур доирасида 290 миллион сўмлик маблағ эвазига 20 та ҚВП мукаммал таъмирдан чиқарилди.

## Жиззахда республика мусобақаси

***Жиззах шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс бўйича ёшлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган юз нафарга яқин чарм қўлқоп устаси ўн уч вазн тоифасида ғолиблик учун рингга чиқди.

Якунда Жиззах ва Тошкент вилоятларидан тўрт нафардан, Андижон ва Наманагандан икки, Фарғонадан бир нафар боксчи ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллади.

**Б. САТТОРОВ.**

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ**

**аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиз иқтисодиётини бошқариш ва тинчлиги учун хизмат қилаётган магистраль алоқа линиялари тармоғи муҳофазасини таъминлашингизни сўрайди.**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари»га мувофиқ:***

- магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан: рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларини кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;

магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**Эсда тутинг!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефонлари:**

| | |
|---|---|
| **Биринчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | 234-20-11, 235-36-59 |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | 265-80-43, 155-27-20 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | 168-72-86, 370-38-52 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | 250-37-45, 370-38-53 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | 798-84-05 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | 168-48-51, 183-23-41, 8-370-76-21-306, 76-21-121, |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | 183-23-46, 8-370-66-2-27-61 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» | 177-06-64, 8-370-91-2-54-11 |
| **Иккинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | 8-373-55-2-24-71 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | 8-373-61-2-23-66 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | 8-369-22-5-08-82 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | 8-374-22-2-23-81 |
| **Бешинчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | 8-373-52-9-24-55 |
| **Учинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | 8-367-227-16-20 |
| **Кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | 8-367-357-28-98, 57-34-36 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | 8-367-272-30-28, 272-30-24, 232-10-17 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | 8-372-226-22-07, 277-05-27 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | 8-372-382-10-06, 47-01-19 |
| **Тўртинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | 8-366-233-52-60 |
| **Бешинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | 8-365-223-38-37 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | 8-365-228-53-22, 228-51-45 |
| **Олтинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | 8-361-222-37-07, 222-00-43, 354-10-24 |
| **Кабель участкаси,** Тўрткўл ш., туман телекоммуникация боғламаси | 8-361-532-30-60, ички 1-42, 354-10-26 |
| **Кабель участкаси,** Беруний ш., туман телекоммуникация боғламаси | 8-361-524-30-60, ички 1-38, 354-10-25 |
| **Еттинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Термиз ш., Гагарин к., 32-уй | 8-376-223-13-92 |
| **16-линия техник цехи,** Денов ш., Темиров к., 4-уй | 8-376-227-37-62 |
| **Саккизинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | 8-375-221-02-41, 221-17-25 |
| **15-линия техник цехи,** Ғузор ш., Ғузор к.,15-уй | 8-375-55-22-1-67 |
| **Тўққизинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | 8-362-226-36-58, 226-36-33 |
| **Ўнинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | 8-436-224-75-21 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Каттақўрғон ш.,Чағаноқ қишлоғи | 8-366-455-24-54 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | 8-365-572-14-75 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | 8-436-59-3-09-35 |

1093R/1284

## ОБ-ҲАВО
(23 ноябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража илиқ, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 0-2 даража, кундузи эса 12-14 даража илиқ бўлади.

*«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.*

ЧП «Potolok-stroy-servis»
ГИПСОВЫЕ СТАНДАРТНЫЕ ПОТОЛОЧНЫЕ ПЛИТЫ Армстронг
600 х 600 мм,
610 х 610 мм.
Ассортимент 22 вида.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.
1075R/1238

## Оила — муқаддас қўрғон

***Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида "Оила — муқаддас қўрғон" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.***

Саломатлик

Баркамол авлод йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу анжуманда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самаралари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, тадбирда соҳа мутахассисларининг "Оила мустаҳкамлигини таъминлашда оила бошлиғининг ўрни", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олишда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Қизғин мунозаралар тарзида кечган анжуман сўнгида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи видеоролик намойиш этилди ҳамда иштирокчиларга қўлланма ва буклетлар тарқатилди.

**Фазилат ХУДОЙНАЗАРОВА.**

СИЧК «ETNA-SAFO»

Россияда ишлаб чиқарилган оқсил ва витамин қўшимчалар билан бойитилган юқори сифатли

**ОМИХТА ЕМЛАРни (КОМБИКОРМ)**

ва протеини (46%)

**ОҚСИЛЛИ ЕМ АРАЛАШМАСИНИ**

таклиф этади.

Омихта ем-1. *Барча турдаги уй ҳайвонларини боқиш учун мўлжалланган.*
Омихта ем-2. *Парранда (товуқ, бройлер, ғоз, ўрдак ва бошқа)ларни боқиш учун мўлжалланган.*

Мазкур маҳсулотлар Чиноз омихта ем ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда хорижий ускуналарда тайёрланган бўлиб, сифат жиҳатидан «Ўзстандарт» агентлиги талабларига тўлиқ жавоб беради.

Чиноз омихта ем ишлаб чиқариш корхонасида ушбу маҳсулотлар обдан буғда димлаш усули орқали тайёрланади. Натижада ишлаб чиқарилаётган аралашмада оқсил кўпаяди ва у яхши ҳазм бўлади.

Оқсил аралашмаси қўшилгандан сўнг унинг унумдорлиги ортади, жониворнинг вазни ошишига ҳамда ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликларга чалинмаслигини таъминлашга кўмаклашади ҳамда уларнинг нобуд бўлишини камайтиради. Таркибида ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган аминокислота ва витаминлар омихта емнинг биологик фойдалилигини оширади.

Шунингдек, омихта ем ҳайвон ва паррандаларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб уларнинг маҳсулдорлигини оширади.

***Тўлов — нақд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.***

Телефонлар: (+99897) 444-08-07, (+99897) 485-74-09, (+99893) 579-66-74.




КЎМИР (БПК) 39,8 ▼ -4,3




ШИФЕР (1 лист) 13194 ▼-308




ПАХТА ЁҒИ 1756,1 ▲+16,1

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Нархларнинг белгилари: ▲ - кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониxонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45